

**Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Тошкент шаҳридаги
Халқаро молекуляр алергология марказини қуриш ҳамда
қурилиш ишларини амалга ошириш учун қилинган ишлар бўйича
маълумот.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкасининг “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр алергология марказини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 25 октябрдаги ВМ-865-сон қарорига мувофиқ Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Халқаро молекуляр алергология марказини (кейинги ўринларда Халқаро марказ деб аталади) ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 16 февралдаги 08/1-3797-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр алергология марказига Олмазор тумани, Шифокорлар кўчасида жойлашган “MED CITY” лойиҳаси асосида ташкил этилаётган клиникалар мажмуаси ҳудудидан ер майдони ажратиб бериш тўғрисида” Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1230-сон қарори қабул қилинган.

Халқаро марказ буюртмасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари “GRAND MOBILE PROJECT” МЧЖ томонидан тайёрланди ҳамда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар филиалининг 2021 йил 26 июлдаги 28/1-сон йиғма эксперт хулосаси олинди. Бугунги кунда қурилиш нормалари ва меъёрий талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатлари ҳамда давлат экспертиза хулосалари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясига тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро марказ қурилиши учун Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчасида янги 5 қаватли бино қуриш мақсадида **15298** рақами билан пудратчини аниқлаш мақсадида танловга қўйилди;

Объектнинг мураккаблиги 2 тоифада бўлиб, танловга қўйилган бошланғич нархи **17.947.153.789** сўмдан иборат;

Танловга иштирокчи пудратчилар сони 6 нафарни ташкил этди;

Мазкур тендерда якуний баҳолаш натижаларига асосан “TREST-5” маъсулияти чекланган жамият умумий **68.4** балл билан **16.152.439.050.00** сўм ва қурилиш муддати-290 кун билан ғолибликни қўлга киритди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси билан пудратчи ўртасида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”

4936-сон Қарорига асосан 2021 йил охирига қадар объект қурилиши учун 4 млрд сумма миқдорда маблағ ажратилди.

2021 йил 23 ноябрдаги Бош вазир А.Арипов томонидан тасдиқланган 220-сонли Баённинг 3-бандида Халқаро марказ учун ажратилган 0,1 га ер участкаси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий марказининг янги биноларни жойлаштириш учун танланган ҳудудга тўғри келаётганлиги сабабли, Халқаро марказ биносини жойлаштириш учун ер майдонлари чегараларига ўзгартириш ҳамда туташ ҳудуддан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 7 март куни “Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 6 сентябрдаги 1230-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги 223-14-0-Q/22-сонли қарори ишлаб чиқилди. маҳаллий ҳокимлик захирасидаги зарур ер участкаси ажратилди.

Мазкур қарор асосида жорий йилнинг 15 март санасидан бошлаб қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Илова 1 вароқ

Директор



Б.Рўзиев

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро молекуляр
аллергология марказининг курилиш жараёнидан фото лавхалар

